

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ****Гулистон шаҳар****2023 йил 3 июль**

Гулистон туманлараро иқтисодий судининг раиси Б.Махмудов, судья ёрдамчиси Ж.Эгамова суд мажлиси котиблигида, аризачи вакили **Р.Х.У (2023 йил 03 июлдаги 25/1-407-сонли ишончнома асосида)**, қарздор вакили **Б.Р.Т (раҳбар)** иштирокида, аризачи Гнинг қарздор “**Р**” масъулияти чекланган жамиятини соддалаштирилган тартиб-таомилига кўра тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни Г маъмурий биносида, очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

“**Р**” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда — қарздор)ни юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган, қарздорнинг **2023 йил 25 апрель** ҳолатига бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан жами **229 058 077,76** сўм солиқ қарзи мавжуд бўлган, юзага келган қарзни ундириш бўйича солиқ органи томонидан қарздорнинг банкига юборилган инкассо топшириқномаси банк ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаганлиги сабабли банк томонидан 2-сонли Картотекага жойлаштирилган, Г (кейинги ўринларда — аризачи) томонидан солиқ қарзларини мол-мулкидан ундириш тўғрисида қарорлар чиқарилиб, Мажбурий ижро бюросининг бўлимига тақдим қилинган, ушбу ижро ҳужжатлари асосида ижро органи томонидан ижро ҳаракатлари олиб борилган бўлиб, қарздорнинг мол-мулклари аниқланмаган, қарздорликнинг ундириш имконияти йўқлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан ижросиз қайтарилган, қарздорни мол-мулки йўқлиги, унинг ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд эмаслиги, солиқ ва бошқа йиғимлардан сўм қарзи мавжудлиги ва ушбу қарзларни ундириш учун жамиятнинг бошқа активлари йўқлиги натижасида жамият томонидан пул мажбуриятлари бўйича кредитор талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги ҳамда тегишли мажбуриятлар ва тўлаш мажбурияти юзасига келган кундан эътиборан уч ойдан ошиқ вақт мобайнида қарздор томонидан тўловлар амалга оширилмаганлигини инобатга олиб, аризачи қарздорни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили ариза талабларини қувватлаб, қарздор томонидан солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлик суммаси қопланмаганлиги, қарзни ундириш бўйича барча чоралар кўрилиб, қарзни ундиришни имкони бўлмаганлигини, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги инспекция раҳбарининг қарорлари Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочилари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддаси биринчи қисми 3-бандига асосан



аризачига қайтарилганлигини тушунтириб, аризани қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган қарздор раҳбари ҳозирги кунда жамият фаолият кўрсатмаётганлигини, иқтисодий аҳволи оғирлигини, қарздорликларни тўлаш имкони йўқлигини маълум қилиб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ва суд муҳокамаси жараёнида тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг аризасини қаноатлантириб, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини қарздор ҳисобидан ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда —ИПК) 13-моддаси биринчи қисмига асосан суд ишларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

ИПКнинг 210-моддасига мувофиқ юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича, қонунчиликда белгиланган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда — Қонун) 5-моддаси биринчи қисмига асосан тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат: вақтинча тўловга қобилиятсизлик — агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги; доимий тўловга қобилиятсизлик — агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Қонунинг 241-моддасига ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъий назар, кредитор, ваколатли давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилиши мумкин.

Қонуннинг 5-моддаси учинчи қисмига асосан ушбу моддада назарда тутилган қоидалар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиганда, жисмоний шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда қўлланилмайди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, қарздор Давлат хизматлари маркази томонидан **2020 йил 31 декабрда №930899-сонли** реестр рақами билан



тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинган ва унга солиқ тўловчининг идентификация рақами сифатида СТИР берилган. Қарздорнинг раҳбари сифатида **Б.П.Т** фаолият юритиб келган. **Қарздорнинг асосий фаолияти тури улгуржи савдо ишларини олиб бориш ва** қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият билан шуғулланишдан иборат бўлган.

Аризачи тақдим этган солиштирма далолатнома ва бошқа ҳужжатлардан кўринишича, қарздорнинг **2023 йил 25 апрель** ҳолатига тўланадиган солиқлар ва йиғимлардан жами **229 058 077,76** сўм кредиторлик қарздорлиги мавжудлиги аниқланди.

Аризачи томонидан қарздорнинг фаолияти таҳлил қилинганда, унинг иқтисодий ночорлиги, тўлов қобилиятини йўқотганлиги, мол-мулки йўқлиги ва кредиторлик қарзларини ундириш имкони мавжуд эмаслиги аниқланган.

Хусусан, қарздорнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзини унинг мол-мулки ҳисобидан ундириш юзасидан аризачининг қарор(лар)и мавжуд бўлиб, ушбу қарор(лар)нинг ижроси юзасидан олиб борилган ижро ҳаракатлари самарасиз яқунланганлиги сабабли Мажбурий ижро бюроси **бўлими** давлат ижрочилари томонидан қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаганлиги ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан давлат ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлганлиги сабабли ижро ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддаси биринчи қисми 3-бандига асосан аризачига ижросиз қайтарилган.

Қонуннинг 242-моддаси биринчи қисмига биноан суд ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ суд, қарздор пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни уч ой ва ундан кўп муддатда бажаришга қодир эмаслигини инобатга олиб, аризачининг талабини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни, яъни қарздорни соддалаштирилган тартиб-таомилга кўра тўловга қобилиятсиз(банкрот) деб топишни ва унга нисбатан тугатиш доир иш юритишни бошлашни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасининг тавсиясига кўра қарздорни тугатиш ишларини олиб бориш учун 3-тоифали суд бошқарувчиси **М номзоди Қонун талабларига мувофиқлиги сабаби**, 3-тоифали суд бошқарувчиси **М**ни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Аризачининг аризаси асосли деб топилганлиги сабабли суд харажатлари тўлиқ ҳажмда қарздор зиммасига юклатилади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни 5, 51,52,140-144, 241-242-моддалари ва



Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Аризачи Гнинг аризаси қаноатлантирилсин.

Қарздор “**Р**” масъулияти чекланган жамияти соддалаштирилган тартиб-таомилига кўра тўловга қобилиятсиз(банкрот) деб топилсин ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

М қарздор “**Р**” масъулияти чекланган жамиятини тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлансин.

Тугатиш бошқарувчиси **Т.М** зиммасига:

- қарздор “**Р**” масъулияти чекланган жамиятини тўловга қобилиятсиз (банкрот)деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган қоидаларга риоя қилган ҳолда маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш; (муддат 3 (уч) кун)

-қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган аҳволини тўлиқ таҳлил этиш; (муддат 20 кун)

-кредиторлар йиғилиши ва кредиторлар кўмитасини чақириш; (муддат 1(бир) ой)

- қарздор олдидаги дебитор қарзларни ундириш чораларини ва қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкни қидиришга, аниқлашга ва қайтаришга қаратилган барча чораларни кўриш; (муддат 1(бир) ой)

-қарздор тугатилганда унинг ходимлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилиниши тўғрисида уларни хабардор этиш; (муддат 3 (уч) кун)

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сон қарорига асосан тасдиқланган “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш” Қоидаларининг 4-бандига биноан қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида иш кўзғатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолиятини мазкур Қарорнинг 5-бандига асосан таҳлил қилиб, таҳлил натижалари бўйича банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулоса ёхуд ушбу аломатларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосани **2023 йил 25 июл**гача тузиб, хулосани имзолангандан кейин 10 иш кунидан кечикмай кредиторлар йиғилишига, иқтисодий судга (*агар банкротликни яшириш ва/ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжуд бўлса прокуратура органларига ҳам*)га тақдим этиш;

- қарздор “**Р**” масъулияти чекланган жамиятининг бошқарув органларидан қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари (муҳрлар ва штамплар мавжуд бўлган тақдирда), моддий ва бошқа қимматликларини олиш; (муддат 3 (уч) кун)

- тугатишга доир иш юритишни Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни 23,140-150-моддаларида белгиланган тартибда олиб бориш ва ҳар ойда камида бир маротаба судга унинг натижалари ҳақида оралик ҳисоботни эслатмасиз, шунингдек **2023 йил 25 сентябр**га қадар



тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилини ўтказиш натижалари тўғрисидаги якуний ҳисоботни тақдим қилиш вазифаси юклатилсин.

Қарздор “Р” масъулияти чекланган жамияти бошқарув органи уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари (муҳрлар ва штамплар мавжуд бўлган тақдирда), моддий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига сўзсиз топширилишини таъминласин;

Мазкур мажбуриятни бажаришдан бош тортилган тақдирда, қарздорнинг бошқарув органи (ташқи бошқарувчи), шу жумладан қарздор юридик шахнинг раҳбари, қарздор якка тартибдаги тадбиркор қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

Қарздор **“Р” масъулияти чекланган жамияти** ҳисобидан:

- Республика бюджетига 990 000 сўм давлат божи;

- аризачи **Г** фойдасига олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилсин.

Ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қарори нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга, шунингдек тегишли рўйхатга олувчи орган, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ва Мажбурий ижро бюросининг **бўлимига** юборилсин.

Аризачи **Г**нинг тўлов топшириқномаси билан суд тугатиш бошқарувчиси иш ҳаққи учун тўланган 990 000 сўм маблағлар мазкур иш бўйича тугатишга доир иш юритиш якунланиб, ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилиб, тегишли барча ҳужжатларни давлат архивига топширилганлиги, барча ҳисоб-рақамлари ёпилганлиги, муҳр ва тамғаларни (мавжуд бўлганда) йўқ қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилгач, тугатиш бошқарувчисига меҳнатига ҳақ тўлаш масаласи кўриб чиқилиши қайд этилсин.

Аризачи **Г**га қарздор **“Р” масъулияти чекланган жамияти**дан давлат бюджетига етказилган зарарни қарздор раҳбари ва унинг таъсисчиларидан субсидар тартибда ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Сирдарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Махмудов

